

УДК 021.4+004.046  
Каримов У.У.

## Библиографик маълумотларни излаш алгоритми ва дастурий модули

**Аннотация:** Ушбу мақолада соҳа ахборот тизимларидан библиографик маълумотларни излаш алгоритми ва дастурий модулини ташкилий тузилмаси маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** электрон каталог, каталогглашириш, библиографик ёзув, даврий нашр, кутубхона, интеграция

### Кириш

Жамиятнинг илм, таълим ва иктисадиётнинг реал секторларида жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиши ижтимоий тараққиётнинг асосий конунларидан бири хисобланади. Жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти инсон фаолиятининг турли соҳаларида жаҳон миқёсида эришилган ютуқлар, амалга оширилган лойиҳаларнинг илмий-амалий натижаларини таҳдил қилиш имкониятини яратади. Шу сабабли, ахборот макони бўлмиш кутубхоналарга автоматглаширилган кутубхона тизимларини жорий килиш, кутубхона тармоқларида йиғма электрон каталог тизимини яратиш ҳамда уларни соҳа ахборот тизимлари билан интеграциялаш кун тартибидаги ҳал килиниши керак бўлган долзарп масалалардан бирига айланмоқда [1,2,3].

### Асосий кисм

Излаш алгоритмларида асосан қаралаётган тўпламни элементларининг қийматлари бўйича излаш амалга оширилади. ИАҚТда излаш 2 мақсаддаги асосланган.

1. ЭК ва ЙЭКдан фойдаланувчининг эҳтиёжи учун БЕ, тўлиқ матнини топиш учун.

2. САТларидан библиографик маълумотларни излаб топиш учун.

Бу иккала ёндашувлар алоҳида қаралиб, Б.Б.Мўминовнинг илмий тадқиқот ишларида кутубхонага оид маълумотларни излаш масаласи кенг ўрганилган[4].

Аммо, маълумотларни интеграциялашда, айниқса, САТларидан БМларни излашга ёндашувга қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

1. САТда БМлар мавжуд бўлсин ва тўлиқ фойдаланиш хуқуқи билан.

2. МБЕ таркиби, талаблари олдиндан стандарт шаклда амалга оширилсин.

3. Ишчи сахифаларнинг MARC формати асосида шакллантирилган бўлсин.

Бу мезонлар асосида ИАҚТда БМларни излаш учун нафақат уларнинг қиймати балки, типи, ёзилиш қоидаси, мета маълумотларга боғлик бўлади. Масалан, муаллифни топиш керак бўлса, биринчи мета маълумоти, типи, қиймати ва ёзилиш қоидаси кетма-кетлиги асосида аниқланади.

ИАҚТда САТ маълумотларидан БМларни излаш алгоритмининг қадамлари қўйидагча ишлаб чиқдик:

1-қадам. САТнинг барча маълумотарини излашга тайёрлаш ва  $M = \langle m_i, Tab, R(M) \rangle$  - мета маълумоти,  $T = \langle t_i, Tab, R(M) \rangle$ -типи,  $Res = \langle r_i, R(M) \rangle$  - қиймати ва  $Rec = \langle rec_i, R(Res) \rangle$  - ёзилиш қоидаси каби маълумотлар тўпламини шакллантириш. Бу қадам САТнинг барча маълумотларни камраб олгунча амалга оширилади.

2-қадам.  $M = \langle m_i, Tab, R(M) \rangle$  да  $m_i$  минималлаштирилади. Минималлаштиришда  $m_i$  тўпламдаги бир хил элементлар учиреб ташланади ва мос равища  $Tab$  жадваллари, уларнинг ER муносабатларини

сақловчи  $R(M)$  тўплам ҳам қайта шакллантирилади ва янги варианти  $M = \langle m_i, Tab, R(M) \rangle$  яратилади.

3-қадам.  $m_i$  га мос  $Res = \langle r_i, R(M) \rangle$  тўплам элементлари МБЕ таркибига мослаб сараланади.

4-қадам.  $T = \langle t_i, Tab, R(M) \rangle$  - маълумотларнинг типи олдиндан аниқ ва ER модели асосида тўплам шакллантирилади.

5-қадам.  $Rec = \langle rec_i, R(Res) \rangle$  - олдиндан белгиланган талаб асосида ёки стандарт маълумотнамалар бўйича аниқланади.

6-қадам.  $M$  тўпламнинг  $|M|$  куввати бўйича излашнинг  $M_0$  бошлангич қиймати белгиланади.

7-қадам. МБЕ таркибининг майдонлари бўйича таққаосланнинг  $Rt_0$  бошлангич қиймати белгиланади.


8-қадам. Иккиласланган тақрорланиш ўрнатилади. Бошлангич қиймалар сифатида  $M_0, Rt_0$  танлаб олинади, агар  $M_i \cong Rt_j$  мос бўлса,  $MRt_{k,j}$  маълумотлар матрицаси шакллантирилади. Бунда  $i = 0 \dots |M|, j = 0 \dots 18, k = 0 \dots K \leq |M|$  гача ўзгариади.

9-қадам. Иккиласланган тақрорланиш ўрнатилади. Бошлангич қиймалар сифатида  $T_0, MR_{0,0}$  танлаб олинади, агар  $T_i \cong MR_{k,j}$  мос бўлса,  $MRt_{k,j}^i$  тип бўйича фиксиранган маълумотлар матрицаси шакллантирилади. Бунда  $i = 0 \dots I \leq |T|, j = 0 \dots 18, k = 0 \dots K \leq |M|$  гача ўзгариади.

10-қадам.  $MRt_{k,j}^i$  га мос маълумотларнинг  $Res_r$  қийматлари асосида фиксиранган маълумотлар матрицаси тўлдирилади.

11-қадам.  $MRt_{k,j}^i$  даги қийматларнинг ёзилиши  $Rec_u$  ёзилиш қоидалари шаблони асосида ( $\forall MRt_{k,j}^i \rightarrow Rec_u$ )  $\rightarrow \forall MRt_{k,j}^i$  текширилади, яъни фиксиранган маълумотлар матрицасидаги қиймати ёзилиш шаблонига тушса, сақлаш қолиш, акс ҳолда  $\exists MRt_{k,j}^i \xrightarrow{Rec_u} MRt_{k,j}^i$  шаблонга мослаштириш учун ишлов бериш бажарилади.

12-қадам. МБЕ таркибини кўллаб кувватловчи, шаблонга мослаштирилган, қийматлари билан тўлдирилган фиксиранган маълумотлар матрицаси, яъни интеграциялаш учун БМлар  $MRt_{k,j}^i$  тўплами ҳосил килинади.




1 - расм. БМларни излаш алгоритм бошлангич маълумотлари ва тўпламлари шакллантириш алгоритми.

ИАКТда САТ маълумотларидан БМларни излаш алгоритмининг блок-схемаси ишлаб чиқилди (1, 2, 3, 4 - расмлар):


ИАКТда фойдаланиладиган САТларидан БМларни излаш алгоритмни асосий қисмларини процедура кўринишида ишлаб чиқилди (1, 2, 3 - расмлар). Булар ёрдамида излаш алгоритмининг тўлиқ вариантини куришумкин.

Бунда бошлангич маълумотлар ва тўпламларни тайёрлаш,  $M_i \cong Rt_j$  ва  $T_i \cong MRt_{k,j}$  мослик асосида маълумотлар матрицаси шакллантириш процедуралари ўзаро кетма-кетлик асосида боғланади.


Бу процедурадаги кирувчи ва чикувчи параметрлар (ўзгарувчилар) глобал ўзгарувчи сифатида эълон килинади. Локал ўзгарувчилар эса факат процедуранинг танасида ишлатилади. Процедуранинг глобал кирувчи ва чикувчи ўзгарувчилари объектга йўнатирилган бўлганлиги учун алгоритмда уларни кўп ўлчовли массив сифатида қаралган. ИАКТда САТдан БМларни излаш алгоритмининг яхлит ишланиши 4-расмда келтирилган.



2- расм. БМларни излашда  $MRt_{k,j}$  маълумотлар матрицаси шакллантириш алгоритми.



3 - расм. БМларни излашда  $MRt_{k,j}^i$  тип бўйича фиксиранган маълумотлар матрицаси шакллантириш алгоритми.




4-расм. БМларни излаш алгоритми.

### Хулоса

Юқорида келтирилган БМларни излаш алгоритми учун дастурний модулни куришда обьектга йўнаториленган дастурлаш технологиясидан фойдаланилди. Унда маълумотларни аниқлаш учун 4 та модель ва 6 та функцияга (процедурага) эга 1 та контероллер ишлаб чиқилди. Бунда излашни аниқлаш учун 4 та конструктор ҳам яратилган. Ушбу дастурний модулнинг функционал тузилмасини куйидагича аниқлаш мумкин.

Дастурний модулдаги “Контроллер” асосий бошқарувчи бўлиб, унда “конструктор1” битта параметр қабул килувчи конструктор, “конструктор2” иккита, “конструктор3” учта, “конструктор4” тўртта параметр қабул килувчи конструкторлардир. Бунда паремартлар сифатида m - мета маълумот, t - тип, r - киймат ва dr - ёзилиш коидалари олинган. Шундай конструкторнинг параметрлари мос равишда ишлатилида ва улар searchTwo(arr arg, searchTwo(arr arg0, arr arg1), searchTwo(arr arg0, arr arg1, arr arg1, arr arg2), searchTwo(arr arg0, arr arg1, arr arg2, arr arg3) каби эълон қилинган. Моделлар ҳам мос равишда m учун “модел1”, t учун “модел2”, r учун “модел3”, dr учун “модел4” ишлатилиди. Бу дастурний модул MVC технологиясига асосланган Yii2 framework асосида PHP дастурлаш тилида яратилган бўлиб, class searchTwo() ёрдамида фойдаланилади. Масалан,



5-расм. БМларни излашнинг дастурний модулининг функционал тузилмаси.

searchTwo a = new searchTwo(arr arg);  
searchTwo b = new searchTwo(arr arg[]);

ИАКТда фойдаланиш учун БМларни излаш searchTwo синфининг объектлари юқоридагидек, а, б яратилиб олинади.

Бу излаш алгоритмининг самарадорлик кўрсаткичини аниқлашни САТдан БМларни кўчирив ўтиш билан биргаликда аниқлаш мумкин. Чунки унда ҳам 4 та асосий параметр ишлатилиди.

### Фойдаланилган адабиётлар

[1]. Binh P. Le. Academic library leadership in the digital age // Library Management, Vol. 36 Iss 4/5.-2017.- pp. 300 – 314.- <http://dx.doi.org/10.1108/LM-07-2014-0083>

[2] Cook C. A new Culture of Assessment: Report 028-129 / C. Cook, F. Heath, B. Thompson // Papers of the 66th IFLA General Conference. – Jerusalem, 2001.

[3] Каримов У. Кутубхона жараёнларининг тизими тахлили // Тошкент Давлат Техника Университети “Хабарлари”, 2006. -№2. -31-34 б.

[4] Мўминов Б.Б. Норавшан ва стохастик ахборот мухитларида маълумотларни излаш ва қайта ишлаш моделлари, усуслари. -[Рахматуллаев М.А. илмий раҳбар].-техника фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёrlанган диссертация.- Ташкент, 2017 -204 б.

[5] Rakhmatullaev M. Advanced Information Library Infrastructure: As an Important Social Tool for the Prevention of Crisis Situations in Central Asia Library Hi Tech News. Vol. 19. N 9, 2002. MCB University Press. England. 12-14 p.p. - URL: <http://www.mcb.co.uk/liblink/nethome.htm>.

### Каримов Украм Улугбекович

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети таянч докторант

Тел.: +998(93) 581-11-18

Email: [oktam13\\_89@gmail.com](mailto:oktam13_89@gmail.com)

**Annotation:** This article provides information about the algorithm and the organizational structure of the software module to search bibliographic data from industry information systems.

**Keywords:** e-catalog, cataloging, bibliographic writing, periodicals, library, integration